O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **30** декабрь, жума № **83** (2127).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **30** декабря, **2005** год, № **83** (2127).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда — **E-mail: vatan@rol.uz** — В розницу – цена свободная

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат истиқлолини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади.

**Ислом КАРИМОВ**




Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ – БАРҚАРОРЛИК ШАРТИ

Мана, ҳадемай янги йилни ҳам қарши оламиз. Янги йилда ҳам яратгандан қут-барака, тинчлик-омонлик сўраймиз. Тинч-осойишта кечган кунларимиз учун шукроналар келтирамиз. Шу ўринда ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик. Хўш, тинчликнинг, тинч-осойишта ҳаётимизни таъмин этаётганларнинг қадрига етяпмизми? Юртимиз равнақи, фаровон ҳаётимиз негизида бебаҳо неъмат ҳисобланган тинчлик ётишини ҳис қиламизми? Бу ҳақда гоҳ ўйлаб, гоҳ ўйламаймиз. Кундалик ташвишларимизга шўнғиймиз, шахсий манфаатларимиз атрофида ўралашамиз. Келинг, янги йил дастурхони атрофида жамланишга ҳозирлик кўраётган эканмиз, бу масала борасида ҳам жиддий бош қотирайлик. Янги йилда тинчлигимизни мустаҳкамлаш ишига, демакки, юртимиз равнақи, истиқболига баҳоли қудрат ҳисса қўшишимиз ҳақида атрофлича ўйлаб кўрайлик. Шу ўринда мулоҳазаларни давом эттириб, нафақат бизда, балки бугун дунёда тинчликка, хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар хусусида фикрлашсак.

(Давоми 7-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Инсон камолотида китобларнинг ўрни беқиёс. Китоблар ичида эса, энциклопедиялар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки энциклопедиялардаги илмий жиҳатдан асосланган материалларнинг алифбо тартибида ёки мавзу бўйича берилганлиги фойдаланувчилар учун қулайлик яратади. Шу боис азалдан улуғ кишилар турли мавзуларни қамраган, яъни энциклопедик асарлар ёзишган. Бу шонли анъанага Демокрит, Аристотель каби юнон файласуфлари тамал тошини қўйишган.

Қадимий юртимиз довруғини оширган Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби зукко аждодларимиз ҳам бу борада ибратли асарларни мерос қолдиришган. Биргина мисол: ҳазрат Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида ўз даврининг 459 нафар зиёлиси тўғрисида етарли маълумотлар берилган бўлса, «Насойим ул-муҳаббат» асарида 700 нафарга яқин улуғ кишилар ҳақида фикр юритилган.

(Давоми 7-бетда).

## ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Президент Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.**

Ҳар бир халқнинг муқаддас қадамжолари бўлади. Инсон бундай жойларда ўз орзу-умидларини кўради. Шу маънода, Мустақиллик майдони барча юртдошларимиз учун азиз ва мўътабар маскан ҳисобланади.

Истиқлолимизнинг 14 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг бош майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилди. Ўшанда аркани кўздан кечирган Президент Ислом Каримов бундай деган эди:

– Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса, қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа. Назаримда, бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли – бахтли аёл тимсоли бўлиши керак. Негаки, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Президентимизнинг бу олижаноб таклифи амалий ифодасини топди. Ватанимизнинг бош майдонида бахтиёр она монументи қад ростлади.

Янги йил байрами арафасида – 28 декабрь куни Президентимиз Ислом Каримов ушбу монумент пойига гулчамбар қўйди.

– Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Бугун унинг ёнига бахтиёр она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.

Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-бирига айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак, хато бўлмайди. Тасаввур қилинг: олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, деди Президентимиз.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, аввалambор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан.

(Давоми 2-бетда).

Ёш офицерлар йиғини

## ШОДИЁНА ШУКУҲИ

**Тошкент гарнизонидаги майор Олег Зокиров бошчилик қилаётган офицерлар клубида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучларига қарашли қисм ва бўлинмаларда хизмат қилаётган ёш офицерлар анжумани бўлиб ўтди.**

Эрта тонгдан клубга эгнидаги ҳарбий либослари ўзларига хўп ярашиб турган ёш офицерлар –учувчилар, зенитчилар, алоқачилар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, ҳарбий қисм командирлари ҳамда уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мактаб ўқувчилари ва бошқа меҳмонлар тўплана бошланди. Барчанинг юзида кулгу, табассум. Олий ҳарбий билим юртида биргаликда таҳсил олиб, ҳозирги кунда турли гарнизонларда хизмат вазифаларини адо этаётган собиқ сабоқдош дўстлар хушхандон дийдорлашар, бир-бирини бугунги тантана муносабати билан қизғин қутлашар, эртанги кун давомчилари бўлган ёш авлоднинг эса кўзларидан ўт чақнаб, офицер акаларига ҳавас билан боқаётганликларини, эртага ўзлари ҳам ана шундай жасур ва матонатли посбон бўлиш орзусида юракларида иштиёқ мавжлари жўш ураётганини билиб олиш қийин эмас эди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳамда Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондонлигининг тарбиявий ишлар бўлими офицери подполковник Ҳикмат Насриддинов йиғилганларни шукуҳли айём билан қутлади. Мадҳиямиз янграб, зални тўлдириб ўтирган иштирокчилар гуррос оёққа қалқидилар. Дастлабки сўз тантананинг азиз меҳмонларидан бири бўлган эл ардоғидаги шоира Зулфия Мўминовага берилди. Зулфия опа шоирона жумлаларда нутқини бошлар экан, албатта йиғилганларни гўзал шеърият намуналари билан хушнуд этишни ҳам унутмади. Шундан сўнг бошқа иштирокчилар ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондони полковник Абдулла Холмуҳаммедов сўзга чиқиб, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва осойишталигимизни асраш йўлида куч ва ғайратларини аямай фидойиларча хизмат қилаётган Қуролли Кучларимиз келажаги бўлмиш ёш командирларни қутладилар. Жанговар хизматда аъло натижаларга эришган бир гуруҳ пешқадам ёш офицерлар қўмондонлик томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Шодиёна концерт дастурига уланиб кетди ва байрамона безатилган дастурхон атрофида давом эттирилди.

Тантанадан зўр таассурот олиб чиққан ёш командирларга боқаман. Уларнинг дилларида шижоат алангаси янаям ортиб, кўрсатилаётган эътибор ҳамда билдирилаётган ишончдан руҳлари кўтарилиб кетгани яққол билиниб турибди. Ёнларида бахтдан сармаст туришган турмуш ўртоқларининг чеҳраларидан эса ҳарбийга турмушга чиқиб адашмаганликлари ифодасини уқиш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда).

## ВАТАН ДЕЙДИ ЭЛНИНГ НОРЛАРИ

Оқликка ўралган юртим чароғон,
Янги йил кутмоқда эл-элатлари.
Унинг ҳур бахтини асровчи қўрғон,
Сиз борсиз Ватаннинг азаматлари,
Янги йил муборак юртим мардлари!

Кечалар ҳузурбахш, тонглар осуда,
Байрам шодлигига йўғрилган бари.
Ҳар дил энтикади ширин орзуда,
Ҳар қадам ошиқар келажак сари.
Янги йил муборак юртим мардлари!

Сиз борсиз – тинчлик бор, байрам асли шу,
Ҳур бахтин ардоқлар элнинг норлари.
Бу юртни байрамлар эъзозлар мангу,
Зеро, Ватан дейди алп сардорлари,
Янги йил муборак юртим мардлари!

Яна Янги йилин шод кутар замин,
Яна қувонч ила урар бонглари.
Яна ёғдуларга чўлғанар элим,
Сиз эса сергаксиз туну тонглари,
Янги йил муборак юртим мардлари!

**Зулфия НОСИРОВА.**

Муштарийларимизга

## ИЛҲОМБАХШ КУЧ

Кенг жамоатчиликни, аввало, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ўзининг устувор вазифаси деб билган «Ватанпарвар» газетаси ижодий жамоаси 2005 йилда Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, барча соҳаларда, Қуролли Кучларда муваффақиятли ўтказилаётган ислоҳотларни, қўлга киритилаётган ютуқларни, республикамиз ва дунё янгиликларини тезкорлик билан газетхонларга етказишда баҳоли қудрат хизмат қилди.

Шуни қувонч билан таъкидлашимиз жоизки, хайрлашаётган йилимиз газетамиз ижодий жамоаси учун омадли келди.

«Ватанпарвар» янги мазмун, янги шакл, янги қиёфа касб этди. Ҳафталикка айлантирилди. Тармоқ газетаси доирасидан ёшларбоп, оммабоп, ҳаммабоп газета бўлди.

Президентимиз, ҳукуматимиз, халқимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли Ватан ҳимоячиси доимо эъзозда, масъулиятли ва шарафли касб эгаларига кўплаб имтиёзлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Айнан мустақиллик йилларида ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда обрў-эътиборли, нуфузли касбга айланди. Бугун аскар бўлиш омад, сержант бўлиш шараф, офицер бўлиш фахр-ифтихор. Шу боис ҳам ҳарбий бўлишга талабгорлар кунда кунга, ойдан ойга ортиб бормоқда.

Бугун миллий армиямиз ҳақиқий ҳаёт мактабига, ватанпарварлар мактабига айланган. Ана шу мактабнинг қизғин фаолиятини кенг тарғиб этиш, юрт посбонларининг қаҳрамонона хизматини ёритиш газетамиз ижодий жамоасига чексиз илҳом бахш этмоқда.

Кириб келаётган янги йилдан ҳам умидимиз катта. Биз «Ватанпарвар»чилар муштарийларимиз кўнглига йўл топиш учун қаламимизни янада чархлаб, қизиқарли, ўқишли материаллар тайёрлаш йўлида тинмай изланаётирмиз.

Янги йил ҳаммамизга бахт, омад келтирсин. Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлсин! Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорона, эзгу ишларимиз бароридан келаверсин!

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## ВДОХНОВЛЯЮЩАЯ СИЛА

В числе основных задач газеты «Ватанпарвар» значится пропаганда среди всех слоев населения, и особенно молодежи, духа патриотизма, любви к Родине и преданности идеалам национальной независимости. В 2005 году наши усилия, как и прежде, были направлены на то, чтобы своевременно доводить до читателей информацию о результатах и достижениях страны во внутренней и внешней политике, об успешном ходе проводимых в Вооруженных Силах реформ, оперативно сообщать о новостях в республике и в мире.

С удовлетворением отмечаем, что уходящий год стал удачным как для читателей газеты «Ватанпарвар», так и для творческого коллектива газеты. Газета приобрела новый облик, новый вид и новое содержание, стала еженедельником. Все это, и круг охватываемых газетой проблем и вопросов, позволяет нам утверждать, что наша газета переросла уровень ведомственного издания и вошла в число общественно-популярных республиканских средств массовой информации.

Как и все Вооруженные Силы страны, мы ежедневно и ежечасно чувствовали отеческую заботу и внимание, проявляемые к нам Президентом страны И.Каримовым, всеми правительственными органами и народом. В результате проводимых в стране и в армии реформ воины-узбекистанцы приобрели целый ряд социальных гарантий и льгот от государства, а профессия военного стала одной из самых престижных в стране.

Сегодня наша национальная армия превратилась в настоящую школу жизни, школу патриотизма. Тема освещения повседневного быта и героического ратного труда стражей независимой Родины дает бесконечное вдохновение творческому коллективу нашей газеты.

Пусть Новый год принесет всем нам счастье и удачу, мир и процветание нашей земле! Желаем всем новых успехов в созидательном труде во имя укрепления независимости нашей горячо любимой Родины!

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**


2 СБОРЫ МОЛОДЫХ ОФИЦЕРОВ
ВДОХНОВЛЯЯСЬ НАПУТСТВИЕМ ПОЭТА


3 ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА ЭНГ ИЛҒОР ҲАРБИЙ ҚИСМ
ИЛҒОР ЧЕГАРАЧИЛАР


6 РОВЕСНИК
КУРСАНТЫ ИГРАЮТ В КВН


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ҲАММАГА ҚУВОНЧ УЛАШГИМ КЕЛАР

# ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ислом Каримов ушбу мумументни Янги йил байрами арафасида очилаётганида ҳам ўзига хос маъно борлигини таъкидлади.

– Мустақиллик ва эзгулик монументи – яхши ниятларимиз, беғубор орзуларимизнинг ифодаси. Яқинлашиб келаётган 2006 йил юртимизга қут-барака олиб келишига, бахтли-саодатли ва файзли йил бўлишига ишонаман, – деди Юртбошимиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг файз ва баракотга алоҳида урғу бериши бежиз эмас. Пок ниятларимизга, эзгу интилишларимизга шу куни эрта тонгда ёға бошлаган қор ҳам ўзига хос тасдиқ бўлди. Бу дала-даштларимизга ёғилажак қут-баракадан нишонадир.

Президент Ислом Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида таълим тизимидаги ислоҳотлар узвийлигини, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани таҳсинга сазовордир.

Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, яратилаётган янги ўқув стандартлари, дастур ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Талабалар шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда олиб борилган кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Илгари «ётоқхона» деб аталган ғариб бинолар бугунги кун нуқтаи назаридан, талаба ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қисқа вақт ичида тубдан капитал таъмирланди, атрофида янги йўл ва йўлаклар барпо этилди. Дарахтларга шакл берилиб, янги кўчатлар экилди, майдонлар кўкаламзорлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун яратилган қулайлик ва шароитни кўздан кечирди.

– Фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш масаласи доимо диққат марказимизда бўлмоғи лозим, – деди Юртбошимиз. – Бундай замонавий шарт-шароитга эга бинолар «Талабалар уйи» эмас. «Талабалар турар жойи» деб аталиши мақсадга мувофиқ. Аммо турар жой дегани казарма эмас. Казарма армияда бўлади.

Шу ўринда Президентимиз «казарма» тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳатто армияда ҳам казармадан воз кечиш лозимлигини таъкидлади. Ёшларимизга – хоҳ аскар бўлсин, хоҳ талаба – бир хил, тенг қарашимиз, зарур шароит яратишимиз лозим.

Ислом Каримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида таҳсил олаётган талабаларнинг турар жойларида бўлиб, уларни қайта жиҳозлаш борасида тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар берди. Жумладан, талабалар турар жойларидаги хоналарнинг доимий равишда ораста ва файзли бўлишига эришмоқ даркор.

Замонавий мебель, жиҳозлар, техника воситалари, маиший ускуналар билан таъминланган компьютер, спорт, ювиниш хоналари, кутубхона ва ошхоналардан оқилона фойдаланиш ёшларимизнинг маданий савиясини оширибгина қолмай, билим ва тафаккурига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, ёшларимиз бошқалардан кам бўлмаган муносиб шароитда яшашга, таълим-тарбия олишга ҳақли.

Президентимиз шаҳарчадаги Талабалар маънавият ва маърифат марказида бир гуруҳ талаба ёшлар билан учрашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари ва келажакдаги режалари билан қизиқди.

Етарли даражадаги билим ва салоҳиятга эга инсонда ғурур ва ифтихор ҳам юксак бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ёшларимиз ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини тўғри англай оладиган, сабаб ва оқибатнинг негизига етиб борадиган, бундай тушунчаларнинг маъно ва мазмунини чақадиган авлод бўлиб етишишларига ишонаман. Шаҳарчада амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Бинобарин, қулай, замонавий шароит ёшларимизнинг мустақил фикрининг шаклланишида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишининг кучайишида, қалбида она Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Талабалар маънавият ва маърифат марказида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан тузилган клублар фаолияти билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берди.

Тошкент Марказий темир йўл вокзали биноси ва унинг атрофида ҳам сўнгги ойларда тубдан реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрами арафасида бу ерда бўлиб, ушбу иншоотни таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди. Ўтган вақт мобайнида вокзалнинг асосий биноси, чиптахоналар, кутиш заллари тўла таъмирдан чиқарилди.

Бу ердаги Тошкент минтақавий темир йўл узели бинолари ҳам асосий бинога мутаносиб тарзда реконструкция қилинди. Натижада ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари кўзини қувнатадиган яхлит ва муҳташам мажмуа бунёд бўлди.

Президентимиз вокзал биносидаги шинам ва ёруғ кутиш заллари, ресторан, расмий меҳмонлар хонаси, шунингдек, перрон билан танишди. Вокзал олдидаги фаввора ва асосий бинога туташ очиқ айвонларни кўздан кечирди.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини бажарганларга миннатдорлик билдирди. Зотан, темир йўл вокзали мамлакат дарвозаларидан бири бўлиб, юрт ҳақида тасаввур уйғотишда унинг ўрни ва аҳамияти катта.

– Ушбу вокзал биносининг пойдевори 1901 йилда қўйилган. Кейинги қирқ йил ичида мутлақо таъмирланмаган, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов. – Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси билан мазкур гавжум иморатни тубдан реконструкция қилишдек улкан иш муваффақият билан адо этилди.

Мамлакатимизда юкларнинг қарийб 90 фоизи темир йўл орқали ташилади. Бир кеча-кундузда 45 минг йўловчига хизмат кўрсатилади ва шунинг асосий қисми Тошкент Марказий вокзали зиммасига тўғри келади. Шу боис эски бинони замон талабларига мос даражада реконструкция қилишда хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Вокзал биносида йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Оналар ва болалар хонаси, бизнесзал, ҳарбийлар зали, ресторан, қаҳвахона ва буфетлар ишлаб турибди. Алоқа бўлими, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканлари, интернет-кафе, маълумотхона, юк сақлаш хоналарида йўловчилар учун тегишли қулайликлар яратилган.

Энг муҳими, мажмуани таъмирлашда илғор муҳандислик андозалари, миллий ва замонавий меъморчилик мезонларига таянилди. Эндиликда Тошкент Марказий темир йўл вокзали ўзининг ноёб ва бетакрор меъморий-муҳандислик ечими билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳа, бугун пойтахтимизнинг кўркам ва хушманзара кўчалари майдонлари бўйлаб сайр қилиб, эл-юртимиз тинчлик ва тараққиёт, ободонлик ва фаровонлик йўлидан собит ва дадил қадам ташлаётганига гувоҳ бўламиз.

Чор-атрофимизда янги қад ростлаган кўркам ва маҳобатли иморатлар, қайтадан сайқал топган бинолар, кенг ва равон йўллар, ораста боғ-роғлар, майдонлар завқимизни оширади. Ана шу яратувчанлик ва бунёдкорлик тимсолида Истиқлолнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини янада теранроқ англаймиз.

Зеро, мустақиллик йиллари Ватанимиз буюк ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Юртдошларимиз қалби ва онгида ўзликка ишонч, фахр ва ғурур туйғулари кучайди. Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг бунёдкорлик фазилати шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод қиёфаси тимсолида ўзининг мафтункор, илҳомбахш қирралари билан яққол намоён бўлаётир. Бу барчамизни бирдай қувонтиради.

**Анвар БОБОЕВ, Норали ОЧИЛОВ,**
**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбирлари.**
**(«Халқ сўзи» 2005 йил 29 декабрь).**

# ШОДИЁНА ШУКУҲИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

– Батарея командириман, офицерлик хизматимнинг дастлабки йили бўлгани учун слётда илк бор қатнашишим, – дейди ёш лейтенант Ҳамид Бобоев. – Турмуш ўртоғим Васила Раҳимқулова билан биргаликда келдик. Жуда яхши таассурот олдик. Анча пайтгача эсимиздан чиқмайдиган бўлди.

– Бизнинг энг асосий мақсадимиз, юртимиз осойишталигини, муқаддас заминимизнинг ҳар бир қарич ерини, осмонимиз мусаффолиги-ю, бунёдкор халқимиз тинчлигини асрашдир, – дейди вертолёт учувчиси катта лейтенант Нодир Рафиев. – Мана, мустақил юртимиз довруғи тобора ортиб, барча соҳаларда туб ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Қуролли Кучларимиз ҳам ушбу жараёндан четда қолгани йўқ. Миллий армиямиз профессионаллик йўлида шаклланяпти. Кечаги армия билан бугунгисининг ўртасида фарқ жуда катта. Ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ортаётгани барчамизнинг ютуғимиз деб ўйлайман.

Ростдан ҳам бугун армияда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳамманинг диққат-эътиборида. Ҳавас қилса арзийдиган имкониятлар, янгича анъаналар ва имтиёзлар ривожланиш ҳамда тараққиётдан далолат. Буларнинг замирида эса фақатгина юртимиз тинчлигини асрашдек улкан мақсад мужассам топган. Тинчлигу осойишталигимиз абадий бўлсин, азиз юртдошлар.





**Катта лейтенант**
**Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Навбаҳор ЖАЛИЛОВА,**
**Марказий офицерлар саройи услубчиси.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

# ВДОХНОВЛЯЯСЬ НАПУТСТВИЕМ ПОЭТА

**Известие о том, что на сбор молодых офицеров Ташкентского военного округа приглашен председатель Союза писателей Узбекистана, Герой Узбекистана, народный поэт Абдулла Арипов, стало для всех его участников самым волнующим событием в их жизни. Общение с кумиром вдохновило вчерашних выпускников высших военных училищ страны на новые успехи в ратном труде, помогло еще лучше осознать весомость высокого предназначения защитника Родины.**

Перед молодыми офицерами выступил с докладом командующий войсками ТВО полковник Акмальжон Комилов, заострив их внимание на первоочередных задачах по повышению боевой выучки и профессионального мастерства, воспитанию личного состава частей и подразделений в духе преданности независимой Родине, верности славным традициям наших великих предков.

В работе сбора также приняли участие заместитель Министра обороны по воспитательной работе полковник Маннобжон Ахмедов, председатель республиканского фонда «Махалля» Аъзамжон Гадайбоев, представители Комитета женщин Узбекистана Фарида Акбарова и общественного движения молодежи «Камолот» Мухтар Рустамов. У них вызвали самый живой интерес рассказы молодых лейтенантов о первых шагах командирского и офицерского становления.

И все же наибольший отклик аудитории вызвало выступление Абдуллы Арипова – мастер поэтического слога и в прозе оставался мастером, находя умело и точно простые, но вместе с тем идущие от самого сердца слова, находящие отклик в сердцах слушателей. Общение лейтенантов с живым классиком узбекской литературы продолжалось и после завершения официальной части. Абдулла-ака с удовольствием вспоминал о своей молодости, а начинающие молодые поэты даже получили несколько ценных советов из уст мэтра.

– Мы прекрасно понимаем, что сегодняшнее чествование нас является в большой степени авансом, – говорит выпускник Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища лейтенант Тимур Убайдуллаев. – Однако проявленное высокое внимание вдохновляет и окрыляет, обязывает нас служить еще лучше, чтобы еще прочнее была оборонная мощь нашей Отчизны.



Командиру группы в подразделении мобилизационного призывного резерва выпала честь лично участвовать в претворении в жизнь реформы Вооруженных Сил, ведь новый вид службы является детищем ведущихся в армии преобразований. А вот его товарищу по училищу лейтенанту Фарходу Давлатову посчастливилось служить в овеянной романтикой «крылатой пехоте». Отличнику учебы удалось с первых дней несения службы в должности командира группы добиться признания и доказать делом свое соответствие «красному диплому».

– Выполнение задачи по созданию мобильных, хорошо вооруженных и оснащенных самой современной техникой Вооруженных Сил требует и от подразделений связи проявления высокого профессионализма, – говорит выпускник Специального факультета при Ташкентском университете информационных технологий лейтенант Акмаль Алиев. – В этом плане хочется выразить признательность нашим наставникам, которые смогли вооружить нас знаниями и навыками по работе с аппаратурой, которая уже отвечает последним требованиям времени.

Вот и выпускнику прославленного Ташкентского высшего общевойскового командного училища лейтенанту Музаффару Ахундадаеву есть за что благодарить своих преподавателей. Скромность украшает этих молодых людей, однако, справедливости ради, следует отметить, что в их участии на сборе молодых офицеров есть немалая доля и их собственного труда. Вырабатывая в себе лидерские качества, выделяясь уже в курсантские годы среди сверстников, они и в первые месяцы самостоятельной офицерской службы остаются верными себе. Первые благодарности командиров и старших начальников, а теперь вот и приглашение на сбор, получение ценных подарков из рук командующего войсками округа – все это, конечно, становится надежным фундаментом дальнейшего служебного роста. А встреча с Героем Узбекистана, народным поэтом Абдуллой Ариповым будет помниться всю оставшуюся жизнь, вдохновляя на новые успехи в ратном труде.

**Майор**
**Алпысбай МУРАТОВ.**
**Фото Ярослава КОРУКИ.**



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

# ХИЗМАТГА ЯРАША ЭҲТИРОМ



Ҳар биримизнинг ҳаётимизда унутилмас ва муҳим воқеалар содир бўлган. Орадан қанча вақт ўтишига қарамай, хотирамизга муҳрланиб қолган ушбу ҳодисаларни юракда доим илиқлик ва севинч билан эслаймиз. Жумладан, тобора якунига етиб бораётган жорий йил ҳам кўпчилик учун турли янгиликлар, хушхабарлар, муваффақиятлар ва ўзгаришлар билан ёдга олинса ажаб эмас. Масалан, Рустам ака учун айнан шундай бўлишига заррача шубҳамиз йўқ. Нега дейсизми?

Чунки камдан кам инсонлар ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган қувончли воқеани подполковник Рустам Мамаюсупов бошдан кечирди.

Маълумки, юртимизда қайси касб, соҳада бўлишидан қатъи назар фидокорона ва астойдил, жон куйдириб меҳнат қилган, она диёр равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ва қўшган фуқароларимиз давлат, ҳукумат назаридан четда қолмайди. Улар, албатта, муносиб тақдирланишади, доим иззату икромда бўлишади. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар ходимларидан бир гуруҳи давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишган ва шулар қаторида лавҳамиз қаҳрамони-да эътироф этилган.

– Хизматларим давлатимизнинг бу юксак мукофотига лойиқ, деб топилганидан, албатта, хурсандман,– дейди II даражали «Шон-шараф» ордени нишондори подполковник Мамаюсупов. – Лекин мени бундан-да ҳаяжонланишим, қувонишим ва шубҳасиз, фахрланишимга яна бир сабаб бор. Ахир менга шундай мукофотни айнан давлатимиз раҳбарининг қўлларидан олиш бахти насиб этди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони билан юзма-юз келган лаҳзаларни, Оқсарой қароргоҳидаги тантанали тадбирни кечагидек эслайман ва ҳеч қачон унутмайман.

Қуролли Кучларимиз сафларида ўн беш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида хизмат қилиб келаётган офицер нафақат ўзига балки, қўл остидаги шахсий таркиб аъзоларига жуда талабчан. Чунки ҳар бир ғалаба ортида тинимсиз меҳнат, машаққат ва ўз устида ишлаш ётишини яхши билган командир ҳеч қачон билим ва малакасини ошириб бориш, ўқиб изланишдан чарчамайди.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.**

# СУЛОЛАНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ



Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ юрт тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлардан бири капитан Дилшод Толиповдир. Ёш офицернинг шахсий таркиб билан ишлашда ҳарбий интизом, юқори жанговар ва ижтимоий-сиёсий шайликка эришганлиги, мураккаб вазиятларда ўзини йўқотмасдан тадбиркорлик билан ҳаракат қилищи, ташкилотчилик ва бошқарувдаги маҳорати муносиб баҳоланиб, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Қаҳрамонимиз ҳарбийлар оиласида вояга етган. Истеъфодаги полковник Абдужаббор Толиповнинг яна икки нафар офицер ўғиллари бор. Майорлар Шавкат ва Фарҳод Толиповлар ҳам ҳарбий жамоаларида ўз ўрниларига эга, ҳурмат-эътиборли инсонлардан саналадилар. Ҳарбийча гўзал анъаналар руҳида тарбияланган йигит болалигиданоқ келажакда ким бўлишини белгилаб олди. Пойтахтдаги ҳарбий лицейга энг юқори натижалар билан ўқишга қабул қилинган бўлғуси ҳимоячидан мураббийларининг умиди катта эди. Дилшод устозлари ишончини оқлади ва келажакда ҳам у ҳақда фақат кўнгилларга сурур ва ифтихор бағишловчи илиқ сўзлар эшитилиши шубҳасиздир.

Ёш офицер илк хизматини парашют-десант батальонида бошлади. Ва қисқа фурсатда ўз касбига меҳр қўйганини барчага намойиш қилди.

– Жанговар санъатни эгаллашнинг ўзига хос мураккабликлари ҳам мавжуд, албатта, – дейди капитан Дилшод Толипов. – Шарафли касб эгаларида шундай яхши анъана борки, бу – сафдоши учун ҳамиша ёрдамга шай туриш. Офицер сифатида хизматимнинг илк кунларида қимматли маслаҳат ва ёрдамларини аямаган устозларим талайгина. Марҳум офицер Ашраф Тўраевни ҳақиқий дўст, ҳақиқий инсон сифатида ҳамон ҳурмат билан хотирлайман. Офицер Зоир Бозорбоевдан ҳам миннатдорман. Ўзим ҳам улар каби қўлимдан келганича бошқаларга ёрдам беришга интиламан.

Дилшод қарийб ўн беш йилдан бери ҳарбий соҳада фаолият юритиб келмоқда. Албатта бунга унинг курсантлик йиллари ҳам киради. Гуруҳ командирлигидан ҳарбий қисм командирининг ўринбосари лавозимигача бўлган хизмат пиллапояларини босиб ўтди. Олдинда ҳали истиқболли келажак бор. Шуни ҳам мамнуният билан айтишимиз мумкинки, у хизмат қилаётган жамоа Қуролли Кучларимизнинг энг илғор ҳарбий қисмларидан бири ҳисобланади. Майор Мурод Бобожонов етакчилик қилаётган бу жамоада юрт ҳимоясининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилишади. Жамоа офицерлари шахсий намуналари билан қўл остидагиларга ўрнак кўрсатиб келадилар. Жанговар офицер Дилшод Толипов шу кунгача 152 бора парашютдан сакраган. Бу эса айни фурсатда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Офицер йигит бугунги кун талабларини жуда теран тушунади. 2004 йилда Қуролли Кучлар Академиясининг тил ўрганиш марказида таҳсил олди. Айни кунларда рус, инглиз, турк тилларини она тили каби мукаммал эгаллаган.

– Мамлакатимиз улкан шодиёналар арафасида турибди, – дейди у. – Янги йил ва Қуролли Кучларимизнинг шонли 14 йиллиги муносабати билан барча юртдошларимизни, сафдош дўстларимни, оила аъзоларимни қутлайман. Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бизга ишониб топширилган экан, бу ишончни ҳамиша қадрлаб, оқлашга интиламиз.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Ярослав КОРУКА олган сурат.**

# ҲАРБИЙ ОНА



Инсон то тирик экан, орзу-ҳавас билан яшайди. Ният қилади, ўз олдига мақсадлар қўяди. Тўғри, уларнинг қайси бири амалга ошса, қайси бири ниятлигича қолиб кетиши мумкин. Бироқ, назаримда, асосийси унда эмас. Зеро, энг муҳими, ўз куч ва имкониятларига холис баҳо бериш, келажакни кўзлаган ҳолда тўғри мақсадлар қўя билиш ва ҳар қандай шароит, вазиятда улар сари астойдил интилишга ўзида куч, ғайрат ва шижоат топа олишдадир. Лавҳамиз қаҳрамонини-да айнан ғайратли, шижоатли инсонлар қаторига қўшишимиз мумкин. Аминманки, у билан яқинроқ танишгач, бунга сиз ҳам иқрор бўласиз.

Салима опа ёшлигидан негадир айнан марддлар касбини эгаллаганларга, ҳарбий либос соҳибларига ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қараган. Бу нарсани шунчаки ёшликнинг беғубор қизиқишига йўйган ота-онаси бора-бора қизининг қарори қатъий, шашти баланд эканлигига гувоҳ бўлишди. Тиббиёт билим юртини муваффақиятли тамомлаган водийлик бу қиз ўз фаолиятини Ватан ҳимоячиларини даволаш маскани – ҳарбий госпиталлардан бирида бошлаган. Орадан оз фурсат ўтгач эса, Қуролли Кучларимиз, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар сафига қўшилди. Бунга ҳам мана, ўн йилдан ошибди. Ҳозирда кичик сержант Салима Бўтаева майор Баҳодиржон Турсунов бошчилигидаги тиббиёт пунктида хизмат қилиб келмоқда.

Вазифаси санитар йўриқчи бўлган юрт посбони ўз вазифасига сидқидилдан ва астойдил ёндашиши, қўйилган вазифаларни аниқ, бехато бажариши билан жамоадошлари ҳурматини қозонган ҳамда қисм қўмондонлиги томонидан доим илғорлар қаторида тилга олинади.

Эҳтимол, аёл киши учун катта масъулият талаб қилувчи касб – ҳарбийлик, қатъий тартиб-интизом, доимий кундалик режага асосланган фаолият, жанговар шайликни таъмин этувчи турли норматив ва тайёргарликлар оғирлик қилмасмикан, деган фикр хаёлингиздан ўтгандир. Қолаверса, бир томонда хизмат, яна бир томонда эса оила деганларидек.

– Инсонда хоҳиш, ўзига ишонч бўлса, кўп нарсага эришиш мумкинлигига ҳамиша ишонардим. Ушбу ишончимни ҳаётта татбиқ этиб келяпман ҳам. Ватан ҳимоячиси эканлигимдан, албатта, фахрланаман, ғурурланаман. Бироқ ҳеч қачон, аввало, она эканлигимни унутмайман. Тўғри, фарзандларим тарбиясига нисбатан камроқ вақт ажратишимга тўғри келаётгандир. Айнан шунинг учун бўш пайтларимдан имкон қадар унумли, мазмунли фойдаланишга одатланганман, – дейди кичик сержант.

Дарвоқе, Салима опа ўғилларининг айнан ҳарбий бўлишини жуда-жуда истайди. Унинг айтишича, узоқ вақтдан бери Қуролли Кучларимиз сафидаги хизмати мобайнида Ватан ҳимоячиларининг аксарияти довюрак, самимий, мард, ишончли, очиқ кўнгил, бағрикенг ва фидойи инсонлар эканлигига ўзи амин бўлган. Қолаверса, юрт посбонлари учун яратилган барча шарт-шароитлар, қулайликлардан бевосита хабардор она зурриёдлари келажагини-да кўзлаётгани бор гап.

Маълумки, фидойилик беэътибор қолмагай. Жонкуярлик ва ўзини касбига бағишлаш муносиб тақдирланади. Салима опа ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Она диёримиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра давлат мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз қаторида кичик сержант Салима Бўтаеванинг хизматлари ана шундай юқори баҳоланди.

**Катта лейтенант**
**Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ,**
**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**

